

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 265-ҳадис

265 - وَعَنْ أُسَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «قُمْتُ عَلَى بَابِ الْجَنَّةِ؛ فَكَانَ عَامَّةً مَنْ دَخَلَهَا الْمَسَاكِينُ، وَأَصْحَابُ الْجِدِّ مَحْبُوسُونَ، غَيْرَ أَنَّ أَصْحَابَ النَّارِ قَدْ أُمِرَ بِهِمْ إِلَى النَّارِ، وَقُمْتُ عَلَى بَابِ النَّارِ؛ فَإِذَا عَامَّةٌ مَنْ دَخَلَهَا النِّسَاءُ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 5196، م 2736].

وَ«الْجِدُّ» بِفَتْحِ الْجِيمِ: الْحِطُّ وَالْغَيْ، وَقَوْلُهُ: «مَحْبُوسُونَ» أَي: لَمْ يُؤْذَنَ لَهُمْ بَعْدُ فِي دُخُولِ الْجَنَّةِ.

265. Усома розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Жаннатнинг эшиги олдида турдим. Унга кирганларнинг асосий қисми мискинлар экан. Давлатмандлар ушлаб турилибди. Фақат дўзах эгалари дўзах сари амр қилинган. Дўзах эшигида ҳам турдим. Унга кирганларнинг асосий қисми аёллар экан».**

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Имом Бухорий Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилган ушбу ҳадисда нима учун дўзахга тушадиганларнинг аксари аёллар экани зикр қилинган.

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг даврларида қуёш тутилди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам одамлар билан бирга намоз ўқидилар. Бақара сурасича узоқ қиём қилдилар. Кейин узоқ рукуъ қилдилар.

Кейин рукуъдан туриб, узоқ қиём қилдилар. Бу биринчи қиёмдан қисқароқ бўлди. Кейин узоқ рукуъ қилдилар. Бу биринчи рукуъдан қисқароқ бўлди. Кейин рукуъдан туриб, яна узоқ қиём қилдилар. Бу биринчи қиёмдан қисқароқ бўлди. Кейин узоқ рукуъ қилдилар. Бу ҳам биринчи рукуъдан қисқароқ бўлди. Кейин туриб, сажда қилдилар. Сўнгра (намоздан) чиқдилар. Қуёш очилиб бўлган эди. Шунда у зот: **«Қуёш ва ой Аллоҳнинг оятларидан (белгиларидан) иккисидир. Улар на бировнинг ўлими, на ҳаёти туфайли тутилади. Қачон шуни кўрсангиз, Аллоҳни зикр қилинглар»**, дедилар.

Одамлар: «Эй Аллоҳнинг Расули, сизни мана шу турган жойингизда бир нарсани ушлаганингизни, сўнгра чўчиб орқага тисарилганингизни кўрдик», дейишди. У зот: **«Шубҳасиз, мен жаннатни кўрдим [ёки менга жаннат кўрсатилди]. Бир шингил (узум) ушладим. Агар уни олганимда, дунё тургунча ундан ер эдингиз. Дўзахни кўрдим. Бугунгидек манзарани асло кўрмаганман. Унинг аҳли аксар аёллар эканини кўрдим»**, дедилар. «Нима учун, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. **«Ношукрликлари учун»**, дедилар. «Аллоҳга куфр келтиришадими?» дейишди. **«Эрларига ношукрлик қилишади. Яхшиликка ношукрлик қилишади. Бирортасига умр бўйи яхшилик қилсанг-у, кейин сендан бирор (ёмон) нарса кўрса, «Сендан ҳеч яхшилик кўрганам йўқ», дейди»**, дедилар».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI